

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

"ТЎРАҚЎРҒОН ИЭС» УК  
ДИРЕКТОРИ  
А.И.ФАЙЗИЕВ



2022й

**“Тўрақўрғон ИЭС” УК нинг Бухгалтерия Ҳисоби Миллий  
Стандартларига мувофиқ (БҲМС) тузилган 2021 йил якуни  
бўйича молиявий ҳисоботини МҲҲС талабларига мувофиқ  
трансформация қилиш ва Халқаро Стандартларга асосланган  
Аудит вақтида ҳамроҳлик қилиш ҳамда Аудит хулосаси олиш  
бўйича яхши таклифларни танлаш бўйича**

## **ХАРИД ҲУЖЖАТЛАРИ**

## **Танлов хужжатларининг мазмуни:**

### **I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

### **II. Техник қисм**

### **III. Нархлар қисми**

#### **I. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

##### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. Танлов предмети “Тўрақўрғон ИЭС” УК нинг Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандартларига мувофиқ (БҲМС) тузилган 2021 йил якуни бўйича молиявий ҳисоботини МҲҲС талабларига мувофиқ трансформация қилиш ва Халқаро Стандартларга асосланган Аудит вақтида хамроҳлик қилиш, ҳамда аудиторлик хулоса олиш.

1.2. Танлов охириги қиймати 66 000 000 сум ҚҚС билан. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 календарь кун.

1.5 Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

##### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. “Тўрақўрғон ИЭС” УК, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Узбекистон Республикаси, Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Гулистон МФЙ, Яндама ҚФЙ

Эл.адрес: [turies@tpp.uz](mailto:turies@tpp.uz). [tur.tps@gmail.com](mailto:tur.tps@gmail.com)

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

##### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танлашда Узбекистан Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ аудиторлик ташкилотларига кўйиладиган талаблар ва шартларга жавоб берадиган, шу жумладан:

- Штатида камида кетма-кет уч йиллик узлуксиз иш стажига ёки халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган камида беш нафар аудитор мавжуд бўлган;

- Аудиторлик ташкилотининг иши сифатини ташки назоратдан ўтказиш натижаларига кўра, аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилиши холлари мавжуд бўлмаган аудиторлик ташкилотлари иштирок этиши мумкин.

3.2. Қуйидаги иштирокчилар танлашда иштирок этишга қўйилмайди:

- Қайта ташкил этиш, тугатилиш босқичида бўлган ёки ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган;
- Жамият билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши кўриб чиқилаётган;
- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилган;
- Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд булган;
- Манфаатлар тўқнашуви ва аффилиланганлик ҳолатлари мавжуд бўлган.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

#### 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz ) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4. Танлашда иштирок этиш учун иштирокчилар қуйидагиларни тақдим этадилар:

- Аудиторлик ташкилотининг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган маълумотларни;
- Аудиторлар сертификаты ва аудиторлик ташкилоти жавобгарлигининг суғурта полиси нусхасини;
- Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- Таъсис ҳужжатларининг нусхаси;
- Танлаш иштирокчиси - юридик шахс номидан ҳаракатларни амалга ошириш ваколатини тасдиқловчи ҳужжат (буйруқ ёки ишончнома нусхаси);
- Аудиторлик ташкилотининг энг йирик мижозлари рўйхати ва тегишли иш тажрибаси;
- Раҳбар ва аудиторларнинг амалдаги малака сертификатлари нусхалари;
- Техник таклиф (аудит режаси);
- Молиявий (нарх) таклиф;
- Шартнома лойиҳаси;
- Иштирокчининг хоҳишига кўра тақдим этиладиган бошқа маълумотлар.

4.5. Танлов иштирокчиси:

- Фақат битта таклиф бериши мумкин;
- Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таъбулқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 10 календарь кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

## **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда қолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавабгардир. Қолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **7. БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

## **II. Техник қисм**

Техник шартлар илова қилинмоқда

### Ш. Нархлар қисми

1	Максимал нарх	66 000 000 сўм ҚҚС билан
2	Молиялаштириш манбаи	Ўз маблағлари ҳисобидан
3	Тўлов шартлари	<p>- Хизматларнинг умумий қийматининг 15 % миқдорида аванс тўлови;</p> <p>- Аудиторлик ҳисоботи якуний версияси тақдим этилгандан сўнг 85 % миқдорида тўлов.</p> <p>- Трансформация 18 000 0000 сўм</p> <p>- Аудит пайтида хамроҳлик қилиш 18 000 000 сўм</p> <p>- Халқаро стандарт бўйича Аудит хулосаси олиш 30 000 000 сўм</p> <p>Жами хизматни нархи 66 000 000 сўм ҚҚС билан</p> <p>Якуний ҳисоботларни тақдим этиш ва ҳисоб-фактура расмийлаштириш.</p>
4	Тўлов валютаси	Сўм
5	Хизмат кўрсатиш даври	Шартнома имзолагандан сўнг 20 календар кун

Молия бўйича директор

Бош бухгалтер

Молия иқтисод бўлими бошлиғи

Юрист

Ахмадалиев И.

Абдувахобов А.

Ахмедова М

Хидиров Б.